



" 25 " января 20 11 у. № СБ/31-01/1-34-13/29

" " " 20 у. №

Қорақалпоғистон Республикаси Молия  
вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
молия бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича  
ғазначилик бошқармаларига

Бюджетдан маблағ олувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан маблағ олувчилар томонидан автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини харид қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сонли қарорига мувофиқ, Ғазначилик зиммасига бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асосиз харажатларининг олдини олиш каби асосий вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган “Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида Низом”нинг 31 бандида давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси ажратилган лимитларга мувофиқ, истеъмолчилар билан нефть базалари ўртасидаги шартномаларга биноан тартибга солинадиган белгиланган нархлар бўйича 100% олдиндан тўлов тарзида амалга оширилиши белгиланган.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини ажратилган лимитларга мувофиқ, нефть базалари билан тузилган шартномаларга биноан тартибга солинадиган белгиланган нархлар бўйича харид қилиниши лозимлигини маълум қиламиз.

Шу билан бирга бюджетдан маблағ олувчилардан ғазначилик бўлинмасига рўйхатга олиш учун автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини харид қилиш бўйича ўрнатилган тартибга мувофиқ имзоланган шартномаларни тақдим этилиши талаб этилади.

Вазирнинг биринчи  
ўринбосари

С.Бекенов